ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA

Oʻzbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil Yanvar

| Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №05(3846)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилингани муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

"Соғлом она – соғлом бола" дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслаҳат ишларини кучайтириш;

тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш;

илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 декабрдаги 3329-фармойишига биноан тузилган Республика комиссиясига "Баркамол авлод йили" Давлат дастури бажаралишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик, идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича ҳудудлар ҳамда тармоқларга оид "Баркамол авлод йили" дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

мазкур Дастурнинг бўлимлари ва бандларини давлат ҳамда хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштирсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳар чорак якуни бўйича "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари раҳбарлигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича шахсий жавобгарлик юкласин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тушунтириш;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида мунтазам ахборот бериб бориш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича қўшган амалий ҳиссасини ёритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 27 январь*

### 2010 йил – Баркамол авлод йили

**Дунёдаги барча кашфиётлар ичида энг гўзали мукаммал тарбия олган инсондир.**

**Эпиктет.**

## ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Инсон борки, ўғил ўстириб, қиз ўстириб, уларни она юртига, элига содиқ фарзандлар бўлиб етишишини, орзу-ҳавасини кўришни орзу қилади. Айниқса, биз ўзбеклар жуда болажон халқмиз. Фарзанд деса ҳатто жонини ҳам беришга тайёрмиз. Элимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф жуда топиб айтганидек: «Дунёда болам деб яшайди ўзбек». Яхши фарзанд ота-онасига ҳамиша раҳмат келтиради. Ёмон фарзанддан эса Яратганнинг ўзи асрасин.

Азал-азалдан Шарқда, айниқса, Марказий Осиёда ота-боболаримиз фарзанд тарбиясига катта эътибор бериб келганлар. Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур ҳам туғилажак фарзанднинг соғлом ва баркамол бўлиши учун у ҳали она қорнидалигиданоқ ғамхўрлик қилинишига жиддий эътибор қаратганлар. Ўз фарзандлари бўлмиш амирзодаларнинг жуфти ҳалоллари ҳарамига май, шароб ичган ҳолда киришини тақиқлаганлар. Фарзанд кутаётган аёлларнинг соғлиғи ва турмуш шароитни яхшилаш борасида катта меҳру мурувват кўрсатганлар. Шу боисдан темурийзодалар соғ-саломат туғилиб, устоз-мураббийлардан сабоқ олиб камол топиши натижасида улар орасидан одил подшоҳлар, буюк саркардалар, олиму фузалолар етишиб чиққан.

Умуман, ўрта асрларда туркий халқларда фарзанд тарбиясига катта эътибор берилганлигидан бўлса керак, ўша даврнинг болалари эрта балоғатга етишган, тезда элга танилиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишган. Мир Алишер Навоий Фаридиддин Аттордек файласуф шоирнинг «Мантиқ ут-тайр»дек чуқур мазмунли мураккаб асарини ёд олганида ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаганди. Отадан эрта етим қолган Заҳириддин Муҳаммад Бобур салтанатни бошқара бошлаганида эндигина ўн икки ёшга кирган эди. Жалолиддин Мангуберди Чингизхоннинг мўр-малахдай сон-саноқсиз қўшинига қарши мардонавор кураш олиб борганида ҳали ўттиз ёшга ҳам кирмаганди.

(Давоми 4-бетда).

### «Намунали милиция таянч пункти» конкурс-кўргазмаси якунланди

## ХАЛҚ ИШОНЧИ ЮКСАК ШАРАФ





**Эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларни таъминлаш, мол-мулкини асраш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари ҳамда кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари билан узвий ҳамкорликда қатор ижобий, хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, профилактика инспекторлари жойларда тинчлик, барқарорликни таъминлаш борасида ўз зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажариш, аҳоли ишончини қозониш мақсадида бор билим ва маҳоратларини ишга солишмоқда.**

Профилактика инспекторлари аҳолига елкадош бўлиб, ҳаётда, турмушда учрайдиган кундалик юмушларни имкон даражасида енгиллатиш мақсадида тиним билмай хизмат қилишяпти. Жойлардаги милиция таянч пунктлари бугун халқимизнинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси, ҳуқуқий маданиятини ошириш мактаби сифатида шаклланаётганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Республикамизнинг барча ҳудудлари, ҳатто энг олис қишлоқларида ҳам фаолият юритаётган уч ярим мингдан ортиқ милиция таянч пунктлари фуқароларнинг оғирини енгил, узоғини яқин, ҳуқуқий муаммоларини тез ва ижобий ҳал қилувчи масканга айланган, десак муболаға бўлмас. Зотан, мазкур масканларда профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоллари, яраштириш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари ва посбонлар ҳамда бошқа жамоатчиларнинг бирга ҳамфикр иш юритишлари мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан профилактика хизматининг мавқеини ошириш, халқ билан якдиллигини мустаҳкамлаш, милиция таянч пункти инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ходимларни ўзгача ғайрат-шижоат билан ишлашга ундамоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг 2002 йил 27 декабрдаги қўшма қарорига асосан ҳар йили намунали милиция таянч пунктлари ўртасида конкурс-кўргазма ўтказилиши ана шу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Республикамиз ички ишлар идоралари тизимининг асосий бўғинларидан бири бўлган профилактика хизматининг энг сара, бошқаларга ибрат бўладиган ходимларини аниқлаш бўйича ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» конкурс-кўргазманинг якуний босқичи одатдагидек пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди.

Ҳаяжон ва ширин энтикишлар билан муҳташам сарой томон ошиқаётган тадбир қатнашчилари карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ намунавий кўргазмали оркестри ижро этаётган шўх тантанавор куй ва наволар дилларни хушнуд этиб, байрам руҳини сарой заллари узра ёйди.

(Давоми 3-бетда).



## Халқаро алоқалар

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ





**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдул Азиз бин Хорун ташриф буюрди. Юқори мартабали меҳмонни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов қабул қилди.**

Маълумки, Малайзия Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий шерикларидан ҳисобланади. Айни пайтда халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар, жумладан, бизнес, фан, маданият ва сайёҳлик соҳасидаги алоқалар тобора кенгайиб бораяпти. Малайзия халқи юртимиздаги тарихий обидаларга катта қизиқиш билан қараяпти. Шу боисдан ҳам суҳбат чоғида фуқароларга келиб-кетиш, виза тартиботи борасида қулайликлар, енгилликлар яратиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди ҳамда ҳар икки мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Вазир, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов меҳмонга республика ички ишлар идоралари ходимлари томонидан халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Ўз навбатида жаноб Абдул Азиз бин Хорун мамлакатимизда фаровон турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим роль ўйнаётган маҳалла институти ва унинг инфратузилмаси катта таассурот қолдирганини таъкидлади ҳамда самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.**

**Суратларда:** *учрашув пайти.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

**Республика Ички ишлар вазирлигига Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Вольфганг Нойен ташриф буюрди. Мартабали меҳмонни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов қабул қилди ва суҳбатлашди.**

# УМУМИЙ МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА

Мулоқот чоғида Б. Матлюбов Вольфганг Нойенни масъул лавозимга тайинлангани билан табриклаб, Германия ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги дўстона алоқалар бундан кейин ҳам янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди. Шу билан бирга, мамлакатимиз ички ишлар идораларининг таркибий тузилиши, асосий фаолият йўналишлари хусусида тўхталди. Шунингдек, аҳоли ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётган маҳалла фаоллари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорлиги натижасида криминоген вазият барқарорлаштиришга эришилганини қайд этди. Халқаро терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ҳамда одам савдосига қарши курашиш борасида тизим ходимлари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга эътибор қаратди. Германия криминал полицияси Ўзбекистон Республикаси ИИВга моддий-техник базани мустаҳкамлаш, мутахассислар малакасини ошириш борасида бир неча бор ёрдам кўрсатганини таъкидлади ҳамда кадрлар тайёрлаш масаласида Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари фаолияти муҳим аҳамият касб этаётганини айтиб ўтди.

Ўз навбатида жаноб Вольфганг Нойен икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шу жумладан, ўзаро ахборот ва тажриба алмашиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди ҳамда самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Сарҳисоб

# ТАНҚИДИЙ, ТАҲЛИЛИЙ РУҲДА ЎТДИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида 2009 йил давомида амалга оширилган ишлар якуни ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган тезкор йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда ИИВ ЙҲХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари ЙҲХБ раҳбарлари, тегишли бўлимлари бошлиқлари, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси ЙПХ дивизионлари командирлари иштирок этишди.

Йиғилишни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Ахмедбаев кириш сўзи билан очиб, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, осойишталикни таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги, соҳа ходимлари томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида етарли имкониятлар мавжудлигини, бунинг учун барча куч ва воситалардан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳисобот даврида ДЙҲХХ ходимлари томонидан жами 4,7 млн. та қўпол қоидабузарлик, 70 мингга яқин маст ҳолда, 40 мингга яқин қорайтирилган ойнали транспорт воситаларини бошқариш ва бошқа қатор қоидабузарликлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан ИИВ ЙҲХББ бошлиғи, полковник А. Иноятов сўзга чиқиб, бу борада ижобий силжишлар мавжудлиги, аммо бепарволикка йўл қўймаслик, иш самарадорлигини ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида тинмай изланишлар, янгиликлар яратишга эътибор қаратиш кераклигини айтиб ўтди. Шунингдек, 2009 йилда ўтказилган бир қатор профилактик тадбирлар натижасида республикамиз автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг бирмунча камайишига эришилганини қайд этди.

Йиғилишда ДЙҲХХ сафдаги тизимлари фаолиятини ташкил этиш, мунтазам ЙПХ масканларида ходимларнинг самарали хизмат кўрсатишларини таъминлаш, хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя қилиш, транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ишларининг аҳволи, автомототранспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш ишларининг аҳволи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилиб, камчилик ва муаммолар, уларнинг ечими муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кўрилган масалалар юзасидан Бош бошқарма мутасадди раҳбарларининг ахборотлари, ҳудудий ЙҲХБлари раҳбар ходимларининг ҳисоботлари тингланди.

Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Ахмедбаев соҳа ходимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларни кўрсатиб ўтди.

**М. ҲАСАНОВ,**
**подполковник.**

**Қашқадарё вилояти ИИБда 2009 йил натижаларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари ва шаҳар-туман ИИБ раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни бошқарма бошлиғи, генерал-майор А. Қўлдошев олиб борди.**

# ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИДА

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққанлар вилоятда ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш ва унинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган профилактик тадбирлар туфайли бир қатор муваффақиятларга эришилганини таъкидлаб ўтишди. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ошкора танқид қилинди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан соҳа раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Шунингдек, тадбирда Баркамол авлод йилида бажарилиши лозим бўлган иш режалари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Ахмедбаев иштирок этди ва давлатимиз раҳбари ҳамда вазиримиз томонидан ички ишлар идоралари ходимлари олдига қўйилган асосий вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

**Содиқ РАҲИМОВ.**

*Қашқадарё вилояти.*

**Ички ишлар тизимида кўп йиллар самарали хизмат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийларимизнинг бой тажрибасидан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини бераётганини таъкидлаш жоиз. Уларнинг самарали хизмат йўллари, фидойилик ва матонатлари ёш кадрлар учун ҳақиқий ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.**



# ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзолари ички ишлар идоралари сафига эндигина кириб келаётган ёш ходимларни Ватанга муҳаббат ва бурчига садоқат руҳида тарбиялашда муносиб ўрин тутишяпти. Шунингдек, улар ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, туғилган кун, байрамларда табриклаш сингари савобли ишларни амалга ошириб келишмоқда.

ИИВ Фахрийлар кенгашининг 2009 йил якунларига бағишланган йиғилишида ана шулар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сарҳисоб йиғилишида ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғафур Раҳимов ўтган йил давомида кенгаш аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритди. Шу билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Шунингдек, Президентимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб номланган жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳақида фикр юритди.

Учрашувда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шундан сўнг республика Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Эркин Боқибоев сўзга чиқиб, фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Ёш ходимлар билан елкама-елка туриб уларга йўл-йўриқлар кўрсатаётган ички ишлар идоралари фахрийларига соғлиқ, омонлик, эзгу ишларида муваффақиятлар тилади.

Тадбирда иштирок этган ИИВ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, генерал-майор М. Бабаниязов кенгаш томонидан олиб борилаётган эзгу ва хайрли ишлар ҳақида сўз юритди. Бу йилда амалга оширишни режалаштирган ишларида ҳамкор, камарбаста бўлишларини таъкидлаб ўтди.

Фахрийлар вазирлик раҳбариятига кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар.

Тадбир сўнггида январь ойида таваллуд топган фахрийларга вазирлик раҳбариятининг эсдалик совғалари топширилди.

**Умида БОЗОРОВА.**

**Суратда:** ***ҳисобот йиғилишидан лавҳа.***

**Ш. ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

## Тадбир



# ЮРАКЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

**Республика ИИВ Қоровул қўшинларида шахсий таркибнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, уларни маърифатли, маънавий етук ва маданиятли ходимлар сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун Баркамол авлод йилида ҳарбий қисмлар шахсий таркиби орасида тарбиявий, ҳуқуқий, маърифий ва маданий ишларнинг барча кўринишларидан унумли фойдаланилаяпти.**

Яқинда подполковник Д. Левин етакчилигидаги ҳарбий қисм клубида бўлиб ўтган ИИВ Қоровул қўшинлари намунали оркестри хонандаси, сержант Мирзохуршид Олимовнинг концерт дастури бунга мисол бўла олади. Шу куни ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳамда муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган аскарлар М. Олимов ижросидаги Ватанга садоқат, мардлик, жасурликни тараннум этувчи дилрабо қўшиқлар сеҳрига ошно бўлишди. Иштирокчилар ҳам хонандага ҳамоҳанг равишда дилдан қўшиқ айтиб, маданий ҳордиқ чиқаришди.

Концерт дастуридан қайтар эканмиз ҳарбий қисмда ёшларни баркамолликка ундовчи бундай тадбирлар тобора анъанага айланиб бораётганига яна бир бор амин бўлдик.

**Фурқат АБДИЕВ.**

**Суратда:** *тадбирдан лавҳа.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

# ЁШЛАР ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

**Баркамол авлод йилида мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларнинг бугунги, эртанги куни учун барча ташкилот ва муассасалар, қўйингки, жамиятнинг барча аъзолари зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифалар юкланади.**

Фарғона шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда баркамол авлодни вояга етказишда маҳаллий ҳокимликлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, ички ишлар идоралари, халқ таълими тизими, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати олдида турган вазифалар кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят халқ таълими бўлимлари мудирлари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари раҳбарлари, вилоят ички ишлар идоралари вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинма ва гуруҳлари инспекторлари, Фарғона шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этдилар.

Вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худайбергенов ўтган йил давомида вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар тарбияси ва уларни салбий таъсирлардан асраш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

– Вилоятда ўтган йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар аввалги йилга нисбатан ошиб кетганлиги, улар томонидан қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, безорилик, оғир тан жароҳати етказиш каби жиноятлар содир этилганлиги таълим муассасаларида, маҳаллаларимизда ёшлар таълим-тарбияси борасида қилинадиган ишлар ҳали кўп эканлигини кўрсатиб турибди, – деди у ўз маърузасида.

Бола тарбиясида мактабнинг алоҳида ўрни бор. Бироқ айрим мактабларда таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаш, болаларни таълимга жалб қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида бир қатор камчиликлар мавжудки, бу эртанги кунимиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш борасидаги ишларнинг салмоғига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Генерал-майор Т. Худайбергенов шунингдек, ички ишлар идоралари томонидан кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширишлари лозим бўлган вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Ҳисобот йиғилишида Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосарлари – Ш. Турдиқулов ва М. Ходжаева иштирок этиб, кун тартибидаги масала юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**

*Фарғона вилояти.*

## Дийдорлашув



**Талабалик йилларини олтин даврга қиёслашади. Бу бежиз эмас албатта. Бинобарин инсон бу пайтларда кунт билан ўқийди, устозларидан иложи борича касбнинг назарий билим ва кўникмаларини пухта эгаллашга интилади, кўплаб дўстлар орттиради. Йиллар ўтса-да, вақт бирга таълим олган дўстлар иноқлигини, бирдамлигини, устозларига бўлган меҳрини айира олмайди.**

# СОБИҚ БИТИРУВЧИЛАР УЧРАШУВИ



Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида таълим олиб, ҳозирда тизимнинг турли жабҳаларида хизмат қилаётган собиқ битирувчиларига хос бир ажойиб анъана бор. У ҳам бўлса, улар устозларини йўқлаш мақсадида мактабга йиғилиб дилдан суҳбат қуришади.

Яқинда бундан ўн йил муқаддам ушбу мактабдан учирма бўлган битирувчилар таълим даргоҳига йиғилишди. Даставвал улар қувноқ хотиралар билан ўқиган кезларини ёдга олишди. Қизиқарли воқеалар, ширин ҳангомаларни эслаб мириқиб кулишди. Мактабда ташкил этилган музейга кириб, таълим даргоҳининг тарихи ҳамда сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар билан танишишга муваффақ бўлишди. Мактаб ётоқхонаси ва ошхонасида яна бир бор курсантлик даврларини ёрқин хотиралар билан эсга олишди.

Мактабнинг мажлислар залида собиқ битирувчилар ҳамда битириш арафасида турган курсантлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни мактаб бошлиғи, генерал-майор М. Собиров кириш сўзи билан очар экан, бундан ўн йил олдин мактабни битирган курсантлар ҳозирда мамлакатимиз ички ишлар идораларида самарали фаолият олиб бориб, хизматда юксак натижаларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлаб, уларнинг кейинги фаолиятларига улкан муваффақиятлар тилади. Мактаб ўқитувчи-профессорлари номидан сўз олган полковниклар Р. Қосимов, Н. Мансурхўжаев, В. Зокиров шогирдлари эришган ютуқлардан ғурурланиб, ёш курсантлар ҳам улар каби иноқ, аҳил дўст ва етук мутахассис кадрлар бўлишларини тилашди. Шунингдек, собиқ битирувчилар номидан сўзга чиққан республика ИИВ ЁХББ бошлиғи ўринбосари, майор А. Икромов, Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ бўлим бошлиғи, майор Ф. Мирзаев, Бухоро вилояти Қоракўл тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор С. Ҳусейнов ўзларига таълим-тарбия берган мактаб раҳбарияти ва устозларига самимий миннатдорлик билдирдилар.

Шундан сўнг йиғилганлар бу йил олий техник мактабни битирадиган курсантлар билан ёнғин хавфсизлиги хизматининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида суҳбатлашишди.

**Ф. АЗИЗОВ.**

# ИБРАТ ВА ТАЖРИБА МАКТАБИ

**Халқимизда «Қари билганни пари билмайди», деган мақол бор. Унинг мағзини чақиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Чунки бизда кексаларни ҳурмат қилиш, ардоқлаш, уларнинг панд-насиҳатларига амал қилиш азалий қадриятларимиздан ҳисобланади.**

Навоий вилояти ИИБ ходимларининг турли йилларда вилоят ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийлар билан бўлиб ўтган учрашуви бунга мисол бўла олади.

– Биз бугун нафақада бўлсак-да, ўзимизни ҳамиша ходимлар билан бир сафда деб ҳис қиламиз, – дейди учрашувда сўзга чиққан фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Саидаҳмад ота Мадаминов.— Ўз давримизда жуда оғир шароитларда хизмат қилдик. Ҳукуматимиз бугунги кунда ёш авлодга янги имкониятлар ва шароитларни яратиб берган экан, унга жавобан ҳалол хизмат қилиш фурсати келди. Халқимиз тинчлиги ва осойишталигини асраш ва ҳимоя қилиш энг шарафли ишдир. Ҳар бир ички ишлар ходими бу билан фахрланиши керак.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Р. Турсунов ва бошқалар фахрийлар ўз бой ҳаётий тажрибаларини ёшлар билан баҳам кўраётгани, уларни оталиққа олиб, фойдали йўл-йўриқлар кўрсатаётганликлари учун миннатдорлик билдиришди ҳамда уларнинг қимматли маслаҳатлари ёш ходимлар учун чинакам дастуриламал эканлигини таъкидлашди.

Тадбирда бошқарманинг яқинда нафақага чиққан бир гуруҳ ходимларига тўн, дўппи кийгизилиб, эсдалик совғалари топширилди.

**Сулаймон ШОДИЕВ.**

*Навоий вилояти.*

## 2010 йил – Баркамол авлод йили

# ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)*

Амир Темур бобомиз давлат арбоби сифатида Мовароуннаҳрнинг сиёсий ва тарихий саҳнасига чиққанида 24 яшар йигит эди. Бу каби мисолларни истаганча давом эттириш мумкин. Бундай маънавий баркамолликнинг, бундай жасоратларнинг ортида тарбия деган муҳим бир тушунча турибдики, усиз инсон боласи бу қадар оламшумул ишларни амалга ошира олмаган бўларди.

Шу боисдан Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан ёшлар тарбиясига, уларнинг жисмонан ва маънан етук инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳар бир кириб келаётган йилга янги мазмун-маъно бағишлаб, «Оила йили», «Оналар ва болалар йили», «Соғлом авлод йили», «Ёшлар йили»деб номланиши замирида ҳам мамлакатимиз ёшларига бўлган катта ғамхўрлик ва эътибор ётганлигини англаш қийин эмас.








Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг: «**Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт»,** деган даъватлари фарзандининг бахту камолини ўйлаган ҳар бир ватандошимизнинг қалб амрига, ҳаётий шиорига айланган, десак муболаға бўлмайди. Зеро, фарзандлар тарбияси, одоби, уларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш бугун учун ҳам, келажак учун ҳам энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаларида 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилар эканлар: **«Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган кудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди»,** – деб таъкидлаганлари бежиз эмас эди.

2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ҳамда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишининг бундан келиб чиқиб, «Баркамол авлод йили», Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши барча соҳа ходимлари сингари биз – ички ишлар идоралари ходимларининг зиммамизга ҳам жуда катта масъулият юклайдики, уни шараф билан бажариш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъатининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳурматли Вазиримиз генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов давлатимиз раҳбари томонидан олдимизга қўйилган долзарб вазифалар юзасидан алоҳида тўхталиб, бу борада ходимларимиз амалга ошириши лозим бўлган зарурий чора-тадбирларни белгилаб бердилар.

Чунончи, таълим-тарбия масаласи ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасидаги турли жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этди. Гарчи ўтган йиллар давомида республикамизда ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони сезиларли даражада камайган бўлса-да, айрим вилоятларда бу турдаги жиноятларнинг бирмунча кўпайиши кузатилган. Шу боисдан, ИИВ Ҳайъати йиғилишида қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилиши лозимлиги таъкидланди:

**Биринчидан,** болалар ва ёшларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

**Иккинчидан,** ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорти соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқима-босқич кучайтириш, янги спорт мажмуалари, стадионлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббийлар билан мустаҳкамлаш;

**Учинчидан,** таркибий (техник ҳамда технологик) ўзгартиришларнинг энг муҳим йўналиши, аҳоли даромадлари ва мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, айниқса, қишлоқ жойларда, ёшларни авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

**Тўртинчидан,** ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш;

**Бешинчидан,** ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан «оммавий маданият»нинг турли кўринишлари таъсиридан ҳимоя қилишнинг комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш;

Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни беш қўлдек билиш ва тўла-тўкис амалга оширилишини таъминлаш мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топишларида дастуруламал бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Бу эзгу ва ғоят масъулиятли ишларни амалга ошириш учун ҳар бир ички ишлар идораси ходими аввало, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши даркор.

Куни кеча Президентимиз қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар барчамиз учун дастуриламал бўлиши лозим.

Ёшлар тарбияси – ўта нозик ва кўп заҳмат талаб қиладиган иш. Шу боисдан унга шошма-шошарлик, пала-партишлик билан ёндашиш самара бермайди. Бунинг учун ҳар бир ички ишлар идорасида Баркамол авлод йилида шахсий таркиб томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши ва кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиш муддати, унга масъул ходимлар аниқ белгиланиб, ижросини доимий равишда назорат қилиб бориш лозим бўлади. Тарбия билан боғлиқ ишларга «панжа орасидан» қараб бўлмайди. Бу ишга юракнинг қонини бериб жиддий киришган тақдирдагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

**«Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси,** – деган эдилар Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида. – Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади».

**«Инсон маънавий камолотга эришиш йўлида ҳаракат қилганидек, дунёни билишга ҳам уринса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади»,** – деган эдилар файласуф бобомиз Абу Наср Форобий.

Табиийки, инсоннинг мукаммал тарбия олиши учун биринчи навбатда унда таълим ёки тарбия олишга мойилликни, хоҳиш-истакни уйғотиш лозим бўлади. Акс ҳолда барча уринишлар зое кетади. Шу сабабдан, ходимларимиз ёшлар тарбияси йўлида олиб борилаётган ишларни, махсус профилактик чора-тадбирларни кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширишлари лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, тарбия масаласи энг аввало оиладан бошланиб, ундан кейин боғча, мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларида узвий давом эттирилиши керак.

Шу ўринда машҳур адабиётшунос ва сиёсатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитратнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиз деб ўйлайман: **«Болаларни баркамол қилиб вояга етказиш учун уларнинг тарбиясига оилагина жавобгар бўлмасдан, бутун жамият аъзолари жавобгардирлар, чунки ёшлар ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбияланса, жамиятнинг келгуси тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлади».**

Дарҳақиқат, фарзандларимизни юксак маънавиятли, баркамол авлод қилиб вояга етказиш ишида нафақат тарбиячи ва устоз-мураббийларимиз, балки жамиятнинг барча аъзолари фаол қатнашишлари лозим. Жамиятнинг илғор аъзоси, давлат вакили бўлган азиз ҳамкасбларимиз эса бу эзгу ва масъулиятли ишларни амалга оширишда энг олдинги сафларда боришлари ҳамда бошқаларни ҳам ўз атрофларида жипслаштира олишлари зарур. Ана шундагина олдимизга қўйилган вазифаларни тўла-тўкис бажариб, кўзланган натижаларга эриша оламиз.

**Зикрилла НЕЪМАТОВ,**
**полковник.**

## Муштарий минбари

# ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАР ИНОБАТГА ОЛИНАДИ

**Таҳририятимизга ҳар куни азиз муштарийларимиздан ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақида кўплаб хат-хабарлар келиб туради. Улар билан яқиндан танишиб, имкон қадар газета саҳифаларида ёритишга ҳаракат қилаяпмиз. Айтиш лозимки, олинаётган хабарлар ва мақолалар ўз навбатида нашрларимизнинг мазмун-мундарижаси кенгайишини таъминламокда.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ижодий жамоа газета ва журналларимизнинг янада ўқимишли, сермазмун, қизиқарли бўлиши йўлида доимо изланишда. Чунки замон шиддат билан ўзгармоқда. Шу жараёнда ички ишлар идоралари ходимларининг интеллектуал салоҳияти, маънавияти, дунёқараши ҳам тобора юксалиб бораяпти. Нашрларимизни кўп минг сонли муштарийларнинг дидига мос ҳолда чоп этилишига эришиш мақсадида «Postda», «На посту» газеталари ҳамда «Qalqon» ва «Щит» журналларининг сифати ва мазмундорлигини янада ошириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришларини сўраб мурожаат қилган эдик. Бунга жавобан жойлардаги ички ишлар бошқарма ва бўлимлари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилган кўплаб хатлар олдик.

Республика ИИВ ИҲҚ ва ЮТБ, ЖИЭББ, «Қўриқлаш» бирлашмаси, Наманган, Қашқадарё, Сирдарё ва Андижон вилоятлари ИИБлари **Хорижий полиция ҳамда МДҲ давлатлари ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти кенгроқ ёритиб борилса** мақсадга мувофиқ бўларди, деган мазмунда хат йўллашибди. ИИВ Алоқа бўлими, Портлаш техникалари экспертизаси маркази, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ИИБлари эса **жаҳонда юз бераётган муҳим воқеа-ҳодисаларни кўпроқ ёритиб бориш таклифини** билдиришган.

Бирлашган таҳририятнинг 2010 йилга мўлжалланган иш режасини тузишда бу таклиф-мулоҳазалар инобатга олиниб, бир неча янги рукнлар ташкил этилди. Ўйлаймизки, бу рукнлар остида берилаётган материаллар Сиз азизларга манзур бўлади.

Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ, ППХ ва ЖТСББ, мазкур бош бошқарманинг Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ИИБлари ходимлари **детектив қисса ва ҳикоялар кўпроқ чоп этиб борилса,** деган истак билдиришган. ИИВ ХЧК ва ФРБ, Фарғона Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ИИБлари **қонунчиликдаги янгилик, ўзгартиш ва қўшимчаларнинг шарҳи, ҳуқуқий, сиёсий атамалар мазмуни ва улар ҳақида тушунчалар бериб боришимизни таклиф қилишган.** Шунга мувофиқ «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнини жонлантиряпмиз.

ИИВ ППХ ва ЖТСББ, Қоровул қўшинлари бош бошқармаси, Наманган вилояти ИИБ ходимлари **иккинчи истеъдод соҳиблари ҳамда ижодкор ходимлар** билан таништириш ва улар ҳақида мақолалар бериб боришимизни сўрашибди. Тошкент шаҳар ИИББ, Андижон, Тошкент вилоятлари ИИБ ЁХБ томонидан йўлланган мактубда эса ихтиролар, кашфиётлар ва буюк инсонлар ҳаётидан материаллар бериб борилса, нашрлар янада қизиқарли бўларди, дейилади.

Шунингдек, ИИВ ПТЭМ, ТОҲТБЮ ходимлари спорт янгиликларини янада кенгроқ ёритилишини сўрашган. ИИВ ППХ ва ЖТСББ, Фарғона Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази **ёшлар ҳамда болаларга аталган саҳифалар лотин алифбосида ёритилса фарзандларимиз бемалол ўқиш имкониятига эга бўларди,** деган фикр билдиришган.

Таҳририятимиз хатлар қутисидан олинаётган хат-хабарлар орасида **теледастурларни бериб боришимиз сўралган** мактублар ҳам талайгина. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган йил ноябрь ойида ўтказилган ИИВ Ҳайъат йиғилишида газета ва журналларимиз савияси ва мазмундорлигини ошириш юзасидан вазифалар қўйилиб, шу жумладан, теледастурлар ўрнига ходимларимизнинг жиноятчиликка қарши кураш, эл-юрт осойишталиги йўлидаги фидокорона хизматларини ёритиш, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларимиз хотирасига бағишланган материаллар бериб бориш таклифи киритилган ҳамда маъқулланганди. Шу боис ижодий жамоа муаллифларнинг материалларини мунтазам, батафсил ёритиб боришимизда янада кенгроқ имконият яратилишини ҳисобга олиб теледастурларни чоп этишни тўхтатган эди.

Азиз муштарийлар! Нашрларимиз мазмун-мундарижасини янада бойитиш бўйича билдирган **таклиф ва истакларингиз, фикр ва мулоҳазаларингиз** келгуси фаолиятимизда албатта, инобатга олинади. Қимматли вақтларини аямай газета ва журналларимиз саҳифаларини кузатиб бориб, муносабат билдирган, нашрларимизнинг ранг-баранг чиқишида ўз ҳиссаларини қўшаётган барча ҳамкасбларимизга ва газетхонларимизга самимий миннатдорлик билдирамиз. Келгусида сизлардан янада сермазмун, ранг-баранг мақола, очерк ва хабарлар кутиб қоламиз.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**

## Юксак мукофот соҳиблари

# ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН ИЗҚУВАР

**Инсон қайси соҳада хизмат қилмасин, ўз устида ишлаб, тинимсиз ўқиб ўрганиши, келажакдаги муваффақиятларга замин ҳозирлаши зарур. Майор Иброҳим Ҳасанов ушбу ҳақиқатни чуқур англаб етгани учун ҳам, ҳар бир ички ишлар ходими жисмонан бақувват, юксак касбий ва жанговар маҳорат эгаси бўлиш билан бир қаторда, билим савиясини ҳам мунтазам равишда ошириб бориши лозим, деб ҳисоблайди.**

Иброҳимнинг ёшликдаги орзуси ҳуқуқ-тартибот идораси ходими бўлиш эди. Шунинг учун ҳам ўрта мактабни тугатгач, ҳужжатларини ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига топширди. Академияда ўқиш даврида билимга чанқоқлиги билан алоҳида ажралиб турди. Барча фанларни ўз вақтида ўзлаштириб, берилган вазифа ва топшириқларни намунали адо этгани учун ҳам олий таълим муассасасини аъло баҳолар билан якунлади.

У иш фаолиятини Тошкент вилоятида жиноятчиликка қарши курашишдан бошлади. Ёш тезкор ходимнинг назарий билимларини амалиётга татбиқ этишда эса, подполковниклар Алишер Рашидов, Шуҳриддин Асилхўжаев каби устозлари яқиндан ёрдам бериб, бой хизмат тажрибалари асосида унга тўғри йўл кўрсатишди.

Яхшиларга ёндашиб, ўгит ва насиҳатларга қулоқ тутган Иброҳим Ҳасанов ўзининг синчковлиги, тезкорлиги ва берилган ҳар бир топшириққа масъулият билан муносабатда бўлиши сабаб хизмат фаолияти давомида бир қатор муваффақиятларни қўлга киритди. Ўтган йиллар давомида вилоят ҳудудида содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги бир неча жиноятларнинг «иссиқ изида» фош этилишида бевосита иштирок этди.

Зангиота туманилик З. Фахриддин «Тико» русумли автоуловини ижарага олиб, киракашлик қилаётганди. Бундан ўзи ҳам, уйдагилар ҳам хурсанд эди. Бироқ бу қувончлар узоққа чўзилмади. Одатдагидек кечки овқатни уйда еб, пул топишга чиқиб кетган З. Фахриддин ўша оқшом қайтмади. Оила аъзолари уни кутиш билан тонг оттиришди. Эрталаб ҳам, тушликда ҳам унинг дараги бўлавермагач, қариндошлари туман ИИБга ариза билан мурожаат қилишди. Олиб борилган қидирув-суриштирув ишлари натижасида шу нарса ойдинлашдики, одамлар З. Фахриддинни охирги марта бир кун аввал, кеч соат 22.00 ларда «Чилонзор» метро бекати олдида жойлашган «Бўзсув-метро» йўналишида киракашлик қилувчи автоуловлар турар жойида кўришган. Орадан кўп ўтмай, Чиноз тумани ҳудудидаги даладан З. Фахриддиннинг жасади топилди. Унга ўткир тиғли жисм билан бир неча марта тан жароҳати етказиб ўлдирилганлиги кўриниб турарди.

Майор И. Ҳасанов вазиятни обдон ўрганди, марҳумнинг ёши, кўпроқ кимлар билан ҳамсуҳбат бўлганлиги уни маълум хулосаларга келишга ундади. У автоуловлар турар жойида савдо қилувчи фуқаролар билан ҳам суҳбатлашди.

Негадир сўнгги пайтларда бу томонларда кўринмай қолган тўрт оғайни, ҳайдовчи билан қарийб тенгдош бўлган йигитларнинг кўздан ғойиб бўлишлари ҳам айнан қотиллик юз берган кунларга тўғри келиши шубҳа ва гумонларни янада оширди. Кузатувлар орқали аниқландики, И. Баҳодир ўз уйида, аммо унинг доимий шериклари Б. Қўчқор, О. Улуғбек ҳамда Ю. Тоҳирлар маҳаллада ҳам кўринмай қолишганди. Бу ҳолат ҳам уларни жиноятга алоқадор эканлигига ишора бераётганди. Майор И. Ҳасановнинг гумонланувчи И. Баҳодир билан олиб борган суҳбати ҳаммасига ойдинлик киритди.

Ўша оқшом соат 24.00 лар атрофида йигитлар З. Фахриддининг машинасига йўловчи сифатида ўтиришади. Олдиндан пишитилган режага асосан И. Баҳодир олдинги ўриндиқда ҳайдовчини гап-сўз билан чалғитиб кетиши, қолганлар эса орқа ўриндиқда қулай манзил келишини кутиб, бирор баҳона билан автоуловни четга олишни сўрашлари лозим эди. Уларнинг режаси ҳамирдан қил суғургандай осон кўчади. Ҳайдовчини ўлдириб, машинани олиб кетишади. Бироқ қотиллар қинғир ишнинг қийиғи чиқишини, жиноятга албатта, жазо муқаррар эканлигини унутишганди...

Майор И. Ҳасанов томонидан фош этилган бу каби жиноятлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Йиллар ўтган сайин тажрибали ходимнинг жиноятчиларни қўлга олиш ва фош этиш борасидаги ишларининг самараси ошиб борди.

Ҳозирги кунда Оққўрғон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келаётган майор Иброҳим Ҳасанов:

– Ички ишлар идораси ходими, аввало, фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоячиси саналади, шу боис ҳам унинг билим савияси юксак, дунёқараши кенг бўлиши зарур, деб ўйлайман, – дейди биз билан суҳбатда.

Шу боис ҳам у қўл остидаги ходимларни, айниқса, ёшларни ҳар доим ўқиб ўрганишга, ўз устида мунтасил ишлашга даъват этади. Ўзи эса, 2005 йилда Европа ҳуқуқ Академиясида ўқиб ўрганганларини ҳам, 2008 йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида олган билим ва кўникмаларини ҳам ҳамкасбларига ўргатишдан эринмайди.

Халқимизда, интилганга толе ёр, деган нақл бор. Майор И. Ҳасановнинг ўз бурчини бажаришга бўлган масъулияти ва хизматда эришган ютуқлари муносиб тақдирланиб, Юртбошимизнинг Фармонига кўра, «Жасорат» медали билан мукофотланди.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**лейтенант.**
*Тошкент вилояти.*

## «01» ХАБАР ҚИЛАДИ



**Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 280 маротаба ёнғин содир этилганлиги тўғрисида хабар тушган бўлса, шулардан 7 таси ёлғон чақириқ бўлиб, 273 тасида эса ҳақиқатан ҳам ёнғинлар бўлганлиги қайд этилди.**

Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани Чилонзор 31-мавзесида жойлашган «Махсустранс» корхонасига қарашли шохобчада тунги вақтда электр иситиш печини ёқиб, назоратсиз қолдирилиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, 2 кв.м. майдонда ўрин кўрпа ва хонанинг шифт қисми ёнган. Ушбу ёнғин натижасида навбатчиликда бўлган қоровул Л. Медведова 25 фоиз куйиш тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилган.

Сирдарё вилояти Боёвут туманида яшовчи Ўринбоевлар хонадонида ҳам кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. Табиий газ босимининг беқарорлиги натижасида ошхонадаги газ плитасидан ёнғин чиқиб, 5 кв.м. майдондаги ошхона жиҳозлари ёнғиндан зарар кўрган. Алангани ўз кучи билан ўчирмоқчи бўлган уй эгаси 15 фоизли куйиш тан жароҳати олган.

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида яшовчи фуқаро А. Саидовнинг хонадонида ҳам нохуш ҳодиса содир бўлди. Ошхонага ўрнатилган газ плитасининг қувуридан сизиб чиқаётган табиий газ ҳидини сезмаган уй эгаси хонага кириб, электр чироғини ёқиши вақтида хонага тўпланган газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши содир бўлади. Натижада хонадон соҳиби 90 фоизли куйиш тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилган.

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани «Даштакибола» қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган Д. Соиповнинг хонадонида ёнғин содир бўлиши натижасида 75 кв.м. майдонда уй жиҳозлари ва бинонинг том қурилиш қисмлари ёниб кетган. Кечки вақт, ёқиб қолдирилган шамнинг назоратсиз қолдирилиши ушбу кўнгилсизликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлди.

Азиз юртдошлар! Юқорида кўрсатилган салбий ҳолатлар лоқайдлик сабабли рўй бермоқда. Шу боис ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, газ ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланмаслик, ёш болаларни ёлғиз қолдирмаслик лозимлиги ёдингизда бўлсин, ёнғин содир бўлганда **«01»** рақамига қўнғироқ қилиш кераклигини унутманг.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**капитан.**

Маърифат дарси



# АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Комил инсон образини яратиш Алишер Навоий ижодининг ўзагини ташкил этади. Буюк мутафаккир доимо комилликка интилди ва ана шу орзу-истаклари у яратган асарлар қаҳрамонлари сиймосида бетакрор образлар сифатида мангуга муҳрланиб қолган. Айниқса, достонларида тилга олинган қаҳрамонлар, образлар Навоий орзу қилган, унинг идеалидаги шахслардир. Унинг асарлари муҳаббатга қўйилган ҳайкаллар ва қаҳрамонлар галереяси эса комилликка интилган инсонлардир. Мутафаккир комилликни ижодида жуда кенг миқёсда олади ва баъзан талқин қилинганидек, бу тушунчалар чекланган тарзда эмас, балки қамрови кўз илғамас кенгликларга уфққа туташган тарзда тасвирланади. “Фарҳод ва Ширин”даги Фарҳод аслзода оила фарзанди бўлса-да, ҳунар ўрганмоқни ўзи учун фарз деб билади. Ҳунармандлардан, оддий одамлардан сўраб ўрганишни ўзига ор билмайди, бу йўлдаги машаққатлардан чекинмайди, қийинчиликлардан қўрқмайди. Бу комилликка йўл эди ва уни Навоий ҳамма асарларида тадрижий равишда очиб беради. Унинг қаҳрамонлари инсон сифатида аввало, комилликка интилиши, олижаноблиги билан ярқ этиб ажралиб туради. Фарҳод ҳам қўли гул уста, енгилмас сарбоз-жангчи ва садоқатли инсон бўлиб етишади. Ҳар томонлама етук инсон бўлганлиги туфайли у муҳаббат синовларига сабр-бардошлик билан чидайди, ёшликда ўрганган ҳунарлари бир кун келиб унга ҳаёт синовларида асқотади. Фарҳодга тош йўнишни ўргатган устози айтган “Ҳунарни асрабон нетгумдур охир, олиб туфроққаму кетгумдур охир” деган сўзлар халқ тилига кўчиб, мақол даражасига етган.

Ширинга бўлган чексиз муҳаббатга содиқ Фарҳод ёр васлига етишиш учун ҳар қандай синовлардан ўтишга ҳозир. Шу маънода унинг муҳаббати Оллоҳга эътиқоднинг, комилликка интилишнинг ёрқин бир ифодасидир. Фарҳоднинг Ширинга муҳаббати ва унинг тимсолида Оллоҳга бўлган муҳаббат зўр бир шавқ ва завқ билан куйланганки, ҳайратга тушмасликнинг имкони йўқ. Ҳа, комиллик ана шундай чексиз ва чегарасиз.

Мажнуннинг Лайлига бўлган муҳаббати ҳам комил инсон сиймосига мисолдир. Чунки ҳақиқий муҳаббат Навоий фикрича, фақат комил инсонлар дилига жо бўлиши мумкин. Комилликка интилмаган киши қалбига муҳаббат қўнмайди. Ушбу фикр фойдасига мисол бўладиган ҳолатлар мутафаккир ижодида жуда кўп ўринларда учрайди. Шу маънода буюк бобокалонимизнинг асарлари, қаҳрамонлари бугунги кунда ҳам халқимизни, ёшларни комилликка чорлаётган бонгдек янграб турибди.

Алишер Навоий болалигидаёқ зиёли ва ўқимишли кишилар даврасида бўлди ва бу унинг келажагини белгилади. Ҳусайн Бойқаро билан мактабга борган дастлабки даврларда, яъни 5-6 ёшларидаёқ у Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини қўлдан қўймай ўқиб юргани ва уни ёдлаб олгани, Қуръону каримни ҳам ёд билгани, оила аъзолари, хусусан тоғалари Мир Саид ва Муҳаммад Алилар замонасининг таниқли шоирларидан, отаси Ғиёсиддин кичкина баҳодир ҳам Темурийлар сулоласига яқин кишилардан бўлганлиги ёш Алишернинг дунёқарашига таъсир этмасдан қолмас эди. Ҳукмдор доираларга яқинлик ва уларнинг муҳитида бўлиш, зиёли ва замонасининг етук арбоблари суҳбатларидан бевосита баҳрамандлик, айниқса, тоғаларининг мушоира кечаларида тез-тез қатнашиб туриш Алишернинг келажагини аввалданоқ ҳал қилиб қўйган эди, десак, хато бўлмайди.

Тарих Алишернинг 10 ёшдан ошганда замонасининг кекса ва таниқли шоири Миршоҳий билан хатлар ёзишиб тургани, ундан маслаҳатлар олганлиги ҳақида маълумот беради. Демак, Алишер Навоий ўз дўсти Ҳусайн билан ҳали давлат ишига жалб этилмасдан анча илгари жамоатчиликка, Хуросон аҳли мўминларига шоир сифатида танилиб, келажакдаги камолоти дарагини билдирган, худо назар қилган шахслардан эди, дейиш мумкин. У 15 ёшга тўлганда дўсти Ҳусайн билан уни мирзо Абулқосим Бобир ўз хизматига олди ва ўзи билан бирга Машҳадга олиб кетди. Улар сарой хизматчилари сифатида бу шаҳарда ўз билимларини ошира бошлайдилар. Ана шу ёшдан эътиборан Алишер Навоий то умрининг охирги дамларигача саройда, сарой атрофида ўз халқи учун қўлидан келганча хизматда бўлди. Тақдир унга қисмат сифатида туҳфа этган қайси лавозимда бўлмасин ўз ижтимоий фаолиятининг марказига одамлар ғам-ташвишларини аритиш, уларнинг бахт-саодатга, камолотга етказиш учун курашди. Унинг ҳаётида бу бўртиб кўриниб туради ва дунёдаги ҳеч бир шоир ёки давлат арбобида инсон камолоти учун унингчалик қайғурган ёрқин сиймо кам бўлган.

Ана шу руҳият ва истак ижод намуналарида ҳам бирдек акс этганки, унинг адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларини бир-биридан айро тушуниш, талқин қилиш қийин. Шоирнинг камтарлиги ва халқ учун хизматга ўзини доим бағишлаганини бир мисол янада яққол кўрсатади. Қаранг, у шоир сифатида кенг танилганига қарамай шеърларини алоҳида девон қилишга шошилмаган, бу ҳақда ўйламаган ҳам. Ижоди – ғазал ва шеърлари халқ дилидан чуқур жой олгач, мухлислари 1466 йили унинг шеърларидан девон тузганлар. Ана шу девонга киритилган ғазалларидан то 1500 йилда ўзи тартиб берган «Муншаот» («Мактублар») асаригача ҳаммасида Алишер Навоий ўз даврининг йирик давлат арбоби ва инсонларни комилликка етаклаган халқпарвар шоир сифатида намоён бўлган.

Алишер Навоий ўз ижодий фаолиятида кўтарган ижтимоий ва сиёсий муаммоларнинг бевосита иштирокчиси ва лирик қаҳрамонидир. Унинг ғазаллари, шеърлари ва насрий асарларида келтирилган минг-минглаб мақоллар мана, олти асрдан бери халқимизнинг ўлмас маънавий бойлиги сифатида китоблардан китобларга, тиллардан тилларга ўтиб келяпти. Оддий бир ғазали ҳам бирор ижтимоий юкни кўтарган, унда инсон орзу-истаклари ва Оллоҳга бўлган буюк муҳаббат акс этган. Шу ўринда унинг “Маҳбубул-қулуб” («Қалблар севгилиси») асаридан 15-танбеҳни мисол келтиришни лозим топдик, чунки комилликка чорлов унинг фақат қаҳрамонлари сиймосидагина эмас, балки насрий асарларидан бири бўлган ушбу китобида ҳам ифодаланади. “Карам ва мурувват ота ва онадирлар; вафо билан ҳаё эса буларнинг икки эгизак фарзандларидир. У икковида қанчалик равшанлик софлик бўлса, бу икковида ҳам шунчалик жипслик ва бирлик бор. Ҳар бир юракда вафо бўлса, у ерда ҳаё ҳам бор ва ҳар масканда у топилса, бу ҳам барқарор. Вафосизда ҳаё йўқ; ҳаёсизда вафо йўқ. Агар кимда бу икки сифат бўлмаса, унда имон ҳам йўқ. Ва агар кимда имон бўлмаса, унда одамийлик ҳам йўқ... Камолга етган одамлар – ҳаёли; камол топмаганлар – нуқсонли ва ҳаёсиз...”

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” («Гўзал мажлислар») тазкираси ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеалари ҳақида фикр юритишимизга имкон беради. Асардаги бошқаларига ўхшамайдиган бир хусусият шуки, унда шоир ва давлат арбобининг подшоҳлар ва султонларга бўлган ижобий ёки салбий муносабатлари акс этиб туради. Ўша замонга биз бевосита Алишер Навоийнинг кўзи билан қарай бошлаймиз ва кўпгина воқеалар аён бўлади. Биз шоир ва давлат арбобининг мулоҳазасидан эмас, балки унинг ижтимоий-сиёсий қарашларидан ҳам воқиф бўламиз. Навоий кўз олдимизда ўзининг янги қирралари билан намоён бўлади.

Маълумки, шоир темурийлар замонида яшади ва ижод этди. Унинг муҳрдорлик, амирлик ва Астрободга ҳокимлик даврларида яратган асарлари Навоийнинг ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитига бўлган муносабатларини очиқ-ойдин кўрсатади. Улар ана шуниси билан ҳам қимматлидир. Шундай юқори ва мамлакат учун муҳим лавозимларда турган кишининг қалбидан ўтган ва унинг қабул қиладиган қарорларига таъсир кўрсатадиган воқеалар ижод намуналаридан жой олмасдан иложи йўқ эди. Шунингдек, “Мажолис ун-нафоис”да ҳам шуни кузатиш мумкин. Асар бир кунлик, бир ойлик ёки бир йиллик кузатишлар маҳсули эмас эди. Эллик ёшга тўлган, ҳам ақлий, ҳам ижодий куч-ғайрати, қолаверса, Хуросондаги мавқеи мустаҳкам бўлган шоир ва давлат арбобининг бу асари бевосита шу даврда ёзилиши керак эди. Унинг бундан аввал ҳам, кейин ҳам ёзилиши мумкин эмасдек туюлади.

Навоий салкам беш юзта замондошлари ҳақида, ўтиб кетганлар ва ўзи билан бир даврда ҳамнафас бўлиб яшаётганлар ҳақида ёзар экан уларнинг нима ишлар қилгани, халққа етказган манфаатларини қайд этишнигина эмас, аксинча ҳар бирининг жамиятда тутган ўрни, миллатнинг мулкига айланган ҳунарларида юксак камолотга етганини сиз билан бизга танитишни мақсад қилган. Шу маънода у ўз замонасининг адабиёт тарихчисигина эмас, балки назариётчи мутафаккири, файласуфи, олими сифатида намоён бўлади. Бу тазкира ҳақида шоирнинг шогирди, тарихчи Хондамир шундай ёзади: “Бу азиз китоб ҳазрати хоқон Шоҳруҳ Мирзо подшолиги давридан бошлаб, шу замонга қадар ер юзини равшан вужудлари билан безаган ва безаб турган олим ва шоирлардан кўпларининг баъзи сифатларидан ва аҳволларидан баён қилади”. Навоий тазкирани 8 мажлисга бўлади ва уларни шоирларга, олимларга, ҳунармандларга ҳамда замонасининг истеъдодли кишиларига бағишлайди, уларнинг ижодларига тўхталади, қимматли маълумотлар беради.

Алишер Навоийнинг ижтимоий дунёқараши асосан адолатли шоҳ идеали билан шаклланди ва бунда унинг дўсти темурийзода Ҳусайн Бойқаронинг сиймоси асосий ўринни эгаллайди. Ўз асарларининг кўпчилигини Навоий унга бағишлади ва ўзининг камолотини дўсти туфайли, деб билади ва буни қайта-қайта таъкидлайди. Ҳатто ўзининг 1481-82 йилларда ёзган асари “Вақфия”ни ҳам унга бағишлаган, ҳар бир саҳифасида султоннинг сифатлари ҳақида ҳикоя қилган. Худди шу ҳол “Мажолис ун-нафоис”да ҳам кўзга ташланади. Шу икки асар орасида қарийб 10 йиллик давр бўлса-да, сўз юритаётганимиз – тазкирада бу янада ёрқин кўринган. Масалан, 8-мажлисда султон Ҳусайнни “фасоҳатли ва балоғатли” шоир сифатида тавсифлайди ҳамда унга бутун бир мажлисни бағишлайди. Бундан хулоса шуки, Навоий дўсти, Хуросон султони Ҳусайн Бойқарони ўша замоннинг адолатли подшоси, таниқли шоири деб билган ва бу ҳақда бой хотиралар қолдирган.

Амир Темур вафотидан кейин темурий шаҳзодалар Хуросонни хомталаш қилиш учун кўп йиллар қилич чопишган бўлсалар-да, уларнинг томиридаги боболари қони урушлар, талотўпларга қарамай, бари бир, насабга мансубликни намоён этиб турган. Бунга темурийлар ичида салтанатни анча барқарор бошқара олган султон Ҳусайн Бойқаро даврини мисол келтириш мумкин. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, у темурийлар ичида бобокалонига анча яқин бўлган сиёсатни юргиза олган ҳам ҳарбий, ҳам ижтимоий-сиёсий барқарорликни тутиб тура олган ҳукмдордир. Хуросонда шу даврда қисман тинчлик ҳукм сурди, урушлар ҳам асосан Ҳусайннинг ғалабалари билан якун топиб турди, чегараларни мустаҳкамлаш, саройга замонанинг алломаларини, олиму уламоларини, ҳунармандларни яқинлаштириш, уларнинг диққатини бош мақсад – тарихда бирор из қолдириш манфаатларига хизмат қилдириш ишлари анча жадал амалга оширилди. Навоий ҳам ўз ижодида ана шуларни куйлади ва уни амалга оширишда ҳам бевосита иштирок этди. Фақат Навоийгагина ана шундай буюк тақдир – ўз идеалини, “Ҳамса” достонларида куйлаган замонларни ўз кўзи билан кўра олиш тақдирини насиб этди. Чунки Ҳусайн Бойқаро султонлиги ва унга Навоийнинг узангидошлиги даврида Хуросонда жуда катта бунёдкорликлар қилинди. Бу Амир Темур давридан кейин кўп йиллар тўхтаб қолган, темурийларга хос бўлмаган одат эди. Ҳусайн Бойқаро бобокалонига ўхшашга интилди ва бунёдкорликни қисман бўлса-да, амалга ошира олди. Лекин унинг ўғиллари вояга етиб ҳокимият учун кураш бошлагач, тинчлик барҳам топди ва Навоийнинг ҳам бутун фаолияти яна дўстининг давлатини мустаҳкамлаш, уни ўз ўғиллари – шаҳзодалардан ҳимоя қилиш, қолаверса, улар ўртасида тинчлик ўрнатишга сарфлай бошлади...

Шарқ мутафаккирларига хос анъаналар Навоийга ҳам хос эди. У ўз асарларида маърифатпарвар подшоларни мадҳ этар эди. Ана шундай подшолардан 22 нафари темурий шаҳзодалар эканлигини олимлар кузатганлар. Хондамир бу ҳақда шундай ёзган: “Ҳақиқатан санъат ва адабиётга ишқибозлик, шеър машқ қилиш ёки шеърлар эшитиб, у ҳақда мунозара олиб бора билиш темурийлар орасида одатга айланган, ҳақиқий гўзал ҳаётнинг меъёри бўлиб қолган эди”. Масалан, Ҳиротдаги адабий муҳит бошида Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва албатта, султон Ҳусайннинг ўзи турар эдилар. Мамлакат ҳукмрони сифатида султон ташаббускор, маърифат аҳлининг ҳимоячиси эди. Дўсти Алишер Навоийга у Ҳирот яқинидан жуда катта ер майдонини мулк қилиб, яъни вақф қилиб ажратиб бергани маълум. Навоий уни ўзи қурдирган масжид ва мадрасаларга вақф қилиб бериб юборади ва ундан келадиган даромадларни ҳам шу ердаги мударрису талабаларга, бева-бечораларга бағишлаган. Шоир Оллоҳга муҳаббатини инсонларга муҳаббат ва мурувватда деб билган, уларни фақат асарларида куйлабгина қолмай, ижтимоий-сиёсий фаолиятида ёрқин намоён этганини кўрамиз. Навоийнинг ижтимоий фаолияти фақатгина ижодида эмас, балки амалий фаолиятида янада ривож топган ва такомиллашган, деган хулосага келиш мумкин.

У тилимиз мустақиллигини юзага чиқаришни доимо дилига тугиб келарди. Шу билан бирга, у бу майдонда якка-ёлғиз ҳам эмасди. Дўсти султон Ҳусайн билан бу майдон ичра яктан эди, кун ва ой сайин атрофларига кўпроқ зиёлиларни, олиму уламоларни тўплаб боришарди, қолаверса, Навоий шу билан чекланмасдан ўз ижоди, ёзаётган гўзал ғазаллари билан туркий тилнинг чексиз имкониятларини намойиш этар эди. Буни кузатиб турган султон унинг ҳар бир янги девони чиққанида дўстини олиму уламолар, шоиру шуаролар олдида, подшо саройида муборакбод этишни канда қилмади. Ана шундай маънавий якдиллик ва рағбат унга куч-қувват берар, шоирни янги-янги асарлар ёзишга рағбатлантирарди.

Навоий бундай имкониятдан руҳланар, ҳар бир дақиқадан ижод учун самарали фойдаланишга интиларди. Замонасининг ёш, иқтидорли ижодкорларига оталиқ қилгани, шоир ва ёзувчиларнигина эмас, балки ҳунарманд ва бошқа ижодкорларни ҳам ўз қаноти остига олгани шундан. Ҳаттотлар, рассомлар, санъаткорлар ва мадрасаларнинг ёш толиби илмлари ҳам унга юкиниб келар, ундан албатта, кўмак олар ва ўз йўлини топиб кетар эди. “Мажолис ун-нафоис”да ана шундай ижодкорлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинган. Ижодлари ҳақида хабар берибгина қолмай, уларга холис баҳо бергани, баъзилари ҳақида ҳатто танқидий фикрлар билдиргани диққатга сазовор. Бу ўша даврдаги адабий-бадиий муҳитни, айниқса, туркийзабон ижодкорларнинг ижтимоий-сиёсий ролини аниқлашда бизга бебаҳо илмий-амалий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Шоир ва ёзувчилар ижодига изоҳ бериш, шарҳлаш, таҳлил қилиш, уларнинг ижтимоий келиб чиқишлари ҳамда дунёқарашларининг шаклланиши ҳақида Навоий даражасида фикр юритишнинг аҳамиятини ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди.

Навоий тинчликсевар инсон эди. Унинг мактубларида, ёзишмаларида ана шунга қайта-қайта гувоҳ бўламиз ва буюк мутафаккир бизга ўзининг инсонпарварлиги, тинчлик учун қанчалик фидойилик кўрсатиб курашганлиги уни бизга яна ҳам қадрдонроқ ва яқинроқ қилади. Албатта, мактубларнинг услуби, тили, фикрларни ифодалаш тарзи жуда мураккаб, қолаверса, бизга номаълум иборалар, ишоралар жуда кўп. Шунга қарамай, улар инсоний ҳужжат, Навоийнинг турли даврдаги кечинмалари, қийинчиликлари акс этган уларда. Жуда кўп тарихий шахслар, султонлар, олимлар, фозиллар, дўстлар ва албатта Навоий ва султон Ҳусайн учун душманлик мақомида турганларга ҳам жой берилган. Уларнинг мамлакатга етказган манфаатлари, олиб борган курашлари ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Навоийнинг мактублари раият манфаатлари ва уларнинг ҳаётини яхшилаш ҳақида ҳукмдорлар қилиши керак бўлган ишлар, насиҳатлар, фикрлар ва мулоҳазалар билан тўла. Айниқса, шаҳзодаларнинг мақоми, ота ва ўғил муносабатлари, жамиятнинг оғриқлари ва урушларни тугатиш борасидаги таклифлари ҳозирги кунларимиз учун ҳам муҳим. Шунинг учун ҳам у “Муншаот”ни бахт калити, деб таърифлайди. Эътибор берилса, ўзининг энг буюк асарлари ҳақида ҳам Навоий бу баҳони айтмаган ва ёзмаган, лекин мактубларига катта эътибор қаратиб, уларни шундай деган экан, демак, уларни битаётгандаёқ келажакдаги аҳамияти унинг диққат марказида турган, десак, хато бўлмайди.

Навоий асарлари халқимиз қадриятларини ўзида мужассам этган, инжу анъаналарни занжирдай тизган ибрат қомусларидир. Унинг диёнатли, ориятли, эътиқодли комил инсон ҳақидаги орзулари ҳар бир асарида ва ўз сиймосида ярқ этиб кўриниб туради. Ҳали неча-неча авлодлар буюк мутафаккирнинг ўзидан ва у мадҳ этган идеаллардан таралиб турган илму-урфон нурларидан баҳраманд бўлади ва ҳар сафар ҳар бир авлодга у янги нур зарраларини таратаверади.

**Илёс ҚУВОНДИҚОВ,**
**тадқиқотчи.**

Ватан ўғлонларин унутмас

# ЭЛУ ЮРТГА СОДИҚ ЭДИ...

Умр ғанимат, инсон ғанимат. Аслида биз кўп нарсанинг қадрига етмаймиз. Билсак ҳам бу ҳақида ўйламаймиз. Тириклигимиздаги ҳар бир дақиқа ғаниматлигини ўйлаганлар ўйлайди, айримлар эса хаёлига ҳам келтирмайди.

Лейтенант Анваржон Жўрабоевнинг онаси Маҳмудахон опа ҳар куни юқоридаги сўзларни такрорлайверади:

«Ғаниматим болам, омонатим болам!».

Деярли ҳар оқшом ўғлининг суратига тикилиб, у билан хаёлан суҳбатлашади. Киради-ю, уйқу қаёкда. Гоҳида тунни тонгга улайди, ухлай олмайди.

– Аяси, боламизнинг ҳаққига фақат тиловат қил. Шундан бошқа яна қандай савоб бор, – дейди турмуш ўртоғи Аҳмаджон ака.

Инсон зоти борки, у ҳар қандай айриликқа кўникар экан. Вақт ўтиши билан дардларингиз, аламларингиз бироз пасаяди. Лекин қалб ярасига малҳам бўлиш осон эмас. Айниқса, фарзанд доғига. Унинг куйида ота-онанинг дили вайрон, қалб изтироби ўчмайди. Бир умр фарзандининг сиймоси кўз ўнгидан кетмайди.

– Анваржоним дунёдаги энг меҳрибон йигит эди, – дейди она юм-юм йиғлаганча. – Меҳрибон дейишимнинг боиси бор. Ҳар куни чиройли тилакларни айтарди. Синглиси ва укасига ниманидир совға сифатида олиб келарди, яна конфетлар ҳам бўлар эди. «Бу қандлар боғчадаги болаларга», дерди алоҳида таъкидлаб. Эрталаб уларга қанд улашиб, кейин ишга кетар эди. Ёнимиздаги боғчада тарбияланувчининг ҳаммаси ўғлимни танир эди. Чунки эринмай улар билан гаплашишга, эркалатишга, ўйнашга-да вақт топарди. Одамларга жуда ширинсўз эди. Раҳмдил, кўнгил кишиси эди. Орасталикни яхши кўрарди. Телевизор кўриб ўтирганида ёки укалари дарс тайёрлаётганларида уларга қисқа хат ёки эсдалик ёзаверарди.

«Дунёдаги энг азиз, энг асал синглим, бахтли бўл!» «Укажоним Сарварбек! Сени жуда яхши кўраман. Сендан худо хоҳласа, буюк инсон чиқади», – деган сўзларни ёзаверар эди. Энди билсам, бу сўзларни оқ қоғозгагина эмас, қалбимизга муҳрлаган, ўз қўли билан бизга хотира қолдирган экан.

Анваржон Жўрабоев каратэ бўйича Ўзбекистон спорт устаси, икки карра жаҳон чемпиони эди. Қўл жанги бўйича спорт усталигига номзод бўлган эди. У 1993 йилдан бошлаб каратэ билан мукаммал шуғулланганни боис, жисмонан бақувват, иродали, маънавий етук инсон бўлиб камолга етди. Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасовнинг ҳам назарига тушган спортчилардан бири эди. 1-дан қора белбоғ соҳиби бўлган Анваржон Жўрабоев 2000–2001 йиллари Ўзбекистон чемпионати, 2002 йил икки карра Республика Кубоги, олтин медаль соҳиби бўлганди. 2001 йили Украинада бўлган Халқаро турнир совриндори эди.

Анваржон республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабини тамомлаб, вилоят ИИБ ЁХБда ўз хизмат фаолиятини олиб бораётган эди. Ўша 2005 йилнинг 12 май куни тунда ҳам хизмат тақозосига кўра ишга чақирилганди...

ЁХБ Моддий-техника гуруҳи муҳандиси, майор Рўзивой Исоқов шундай хотирлайди:

– Ўша куни жанговар тревога эълон қилингач, Анваржон ҳам хизматга келди. Топшириқ бўлганидан кейин, айтилган жойга ҳайдовчи, ҳамкасби билан йўл олдилар. Улар чиққан «УАЗ»ни бир гуруҳ газандалар, қўлларида қуроллари билан тўхтатишади.

– Кимсанлар? Қаёққа кетаяпсанлар? Ҳаммаларинг машинадан тушларинг! – дея таҳдид қиладилар. Уларнинг нафсониятига тегадиган бемаъни, уятсиз гаплари-ю, хунук муомалаларига чидай олмаган Анваржон кутилмаганда террорчиларга каратэ усулларини қўллайди. Ҳайдовчи йигит билан ҳамкасб дўстининг тезда кетишларини буюради-да, ўзи уларга ташланади. Газандаларнинг бири қорнини чангаллаганича ўтириб қолса, иккинчиси анча нарига учиб кетади. Анваржоннинг каратэ бўйича спортчи эканлигини билган қўпорувчилардан бири автоматдан унга қарата кетма-кет ўқ узади...



Бу кўргуликларни хаёлига ҳам келтирмаган она ўғлини эртасига кутади – йўқ. Индинига эса шумхабарни эшитиб, ҳуши бошидан учиб кетади.

– Ҳар йили туғилган кунимда Анваржон қаердан бўлса ҳам етиб келишга ҳаракат қилар эди, – дейди онаизор. – Агар бошқа мамлакатларга мусобақага кетиб қолса, ўша куни бир иложини қилиб, қўнғироқ қилар ёки телеграмма жўнатар эди... Уйланганига ҳали бир йил бўлмаган эди. Келиним Гулмирахон ҳам менга, отасига, жигарларига ғамхўрлигини кўриб, ҳавас қилар эди. Шундай турмуш ўртоғи борлигидан қувонар эди.

Орадан бир йил ўтди. Маҳмуда опа яна таваллуд кунига бир кун қолганда мижжа ҳам қоқмади. Чунки ўтган йили шу куни бўлиб ўтган ҳар лаҳза кўз ўнгидан кино тасмасидай ўтаверди. Ўрнидан туриб, ҳовлиларни айланди, ўғлининг изларини излади. Тонггача ўтган умрини сарҳисоб қилиб чиқди. Қанча ухлаганини билмайди, кимдир дарвозани тақиллатаётганидан чўчиб уйғонди.

Маҳмуда опа илкис ортига ўгирилиб, соатга қаради. Эндигина 10 бўлибди. Дарвозани очди-ю, кўзларига ишонмади. Эшик олдида гулдаста, совғалари билан келини Гулмирахон турар эди.

– Аяжон, туғилган кунингиз билан табриклагани келдим. Муборак бўлсин, – деди йиғлаганча қайнонасининг бағрига ўзини отар экан. – Кеча келмоқчи эдим, лекин келсам, иккаламиз ҳам ҳамманинг кўнглини вайрон қиламиз, деган ўй изн бермади. Бугун дугонам Мастура билан ҳамма меҳмонларни кутиб олмоқчимиз.

Аёллар ичкарига кириб, аввалига Анваржон ҳаққига Қуръон тиловат қилишди, сўнг Гулмирахон изн сўраб, ўзи яшаган уйига кириб кетди.

Маҳмуда опа меҳмон билан анча суҳбатлашиб ўтирди. Гулмирахон йиғидан қизарган кўзларини артганча, ичкаридан чиқиб келдида, қайнонасини қучоқлаб, яна йиғлади:

– Аяжон, бу хонадон мен учун энг қадрли. Сизлар билан яшашимга рухсат беринглар, илтимос. Сизга қиз бўлиб қолай, аяжон!

– Гулмирахон, сиз ҳали ёшсиз. Битта оиланинг бекаси, бир этак болаларнинг онаси бўласиз. Сизнинг уволингизга қолишни истамайман.

– Аяжон, туғилган кунингизда кайфиятингизни бузмаслик учун ҳам йиғламоқчи эмасдим, аммо юракка буйруқ бериб бўлмас экан.

– Мен сиздан бир умр розиман, қизим. Афсуски, ҳаёт фақат байрамлардан иборат эмас экан. Мен меҳрибон боламдан, сиз эса севимли ёрингиздан айрилдингиз. Иложимиз қанча.

Ҳа, Маҳмуда опа Жўрабоева келинининг садоқати ҳақида тўлқинланиб гапириб бераяпти-ю, хаёлимдан бир фикр ўтди. Садоқатга содиқ инсонларнинг ёри ҳам, дўстлари ҳам ҳамиша содиқлигича қолар экан...

**Саида АҲМАДЖОНОВА.**

**Суратда:** *Анваржоннинг укаси Сарварбек, отаси Аҳмаджон ака, синглиси Гулнора ва онаси Маҳмудахон ая.*

*Андижон вилояти.*

Rivoyat

# TADBIRKOR VAZIR

Bir podshohning juda ham chiroyli *oti bor ekan. Podshoh* otini juda yaxshi ko'rar ekan. Kunlardan bir kuni o'sha chopqir ot kasallanib o'libdi. G'azab otiga mingan podshoh otboqarni o'ldirish qasdida huzuriga chaqiribdi. Podshohning bir dono vaziri bor ekan. Vazir shohning niyatini anglabdi va unga shunday debdi:

— Shohim, sabr qiling, avval bu yaramas otboqarning qilgan jinoyati qanday natijalar berganini o'ziga birma-bir aytaylik, aybiga iqror bo'lganidan keyin o'ldirsangiz, adolatdan bo'ladi!

Otboqarni keltirishibdi. Vazir otboqarga jahl bilan:

— Ey, yaramas otboqar, qilgan ishingni nechog'lig' katta jinoyat ekanligini bilasanmi? Bilmasang, eshitib ol! Aybingga iqror bo'l! Birinchidan, bilamiz podshohimizning otini yaxshilab boqding, uning o'lishi tugul, hatto kasallanishini ham istamasding. Lekin bechora ot qazosi yetib o'lib qoldi. Baloqazoni qaytarib, otni o'limdan qutqarib qola olmaganing uchun aybdorsan, to'g'rimi?

Ikkinchidan, otni sen o'ldirmading. Lekin shohimiz sendan gumon qilib, shu darajada g'azablandiki, muborak qo'llariga qilich olib, seni o'ldirmoqchi bo'ldilar. Bu ishlari bilan olamga kulgi bo'lishlariga sal qoldi. Buning uchun sen aybdorsan. Chunki sen bo'lmaganingda, shohimiz bu holatga tushmasdi, to'g'rimi?

Uchinchidan, podshohimiz bir otni deb seni o'ldirsalar edi, butun odamzod: «Falon shoh bir hayvonni deb otboqarini o'z qo'li bilan o'ldirgan, insondan hayvonni ustun qo'ygan, insonning qadr-qimmatini yerga urgan», deb podshohimizga la'nat o'qirdi, nafrat nazari bilan boqardi. Natijada, shohimizning ulug' sha'niga dog' tushardi. Bunga yana sen sababchi bo'larding. Aybingga iqror bo'l va nimaiki jazo berilsa, hammasiga rozi bo'l, — debdi.

Podshoh tadbirli vazirining kinoyali so'zlaridan ta'sirlanib, qo'lidagi qilichini uloqtirib yuboribdi. Otboqarni o'ldirish fikridan qaytibdi. Shunday qilib aqlli vazir ga'zab otiga mingan podshohni nojo'ya harakatdan to'xtatgan va otboqarni o'limdan saqlab qolgan ekan.

Qissadan hissa shulki, shohlar g'azablanganda yonidagi vazirlarning tadbirkorligi tufayli o'limdan ko'p begunoh kishilar omon qolgan ekanlar.




## TEZ AYTISHLAR

Muzxonada muzlagan
muzdekkina muzqaymoq.

* * *

Sojida-yu Saodat sinfdosh va sirdoshlar.

* * *

O'lmas, O'ktam o'rtoqlar,
O't o'rishdi o'tloqda.

* * *

Qora, qizil qalamni
qalamdonga qamadim.

* * *

Chig'ir, chig'ir, chig'irchuq,
Chug'urladi chug'urchuq.

* * *

Yozda yoqqan yoz
yomg'iri yon-atrofga
yog'dek yoqdi.

* * *

Tal'at ta'tilda tanlovga
tayyorlandi.

**Zahro HASANOVA.**

**– Men damlagan choydan ichib ko'ring.**



**Abu KENJAYEV surat-lavhasi.**

DIQQAT, TEST!

## TARIX FANIDAN TESTLAR

*(Davomi. Boshlanishi o'tgan sonlarda).*

**66. O'rta Osiyoda toshdan yasalgan mehnat qurollari qayerlardan topilgan?**
a) Farg'ona vodiysi Selungur manzilgohi
b) Toshkent vohasi Ko'lbuloq manzilgohi
c) Samarqand d) a va b

**67. Chopperlar – bu ...?**
a) uchi o'tkirlangan tayoq qurollar
b) uchi o'tkirlangan suyak qurollar
c) uchi o'tkirlangan tosh qurollar
d) hammsi to'g'ri

**68. Dastlabki mehnat qurollari ... bo'lgan?**
a) uchi o'tkirlangan tayoq
b) uchi o'tkirlangan suyak
c) uchi o'tkirlangan tosh
d) a va c

**69. Uchi o'tkir tayoqlarda nimalarda foydalanilgan?**
a) hayvonlarni ovlashda
b) qurt-qumursqalarni kovlab olishda
c) o'simliklarning ildiz va ildizmevalarini kovlab olishda
d) hammasi to'g'ri

**70. Eng qadimgi kishilarning mashg'uloti nimalar bo'lgan?**
a) termachilik va ovchilik
b) dehqonchilik va chorvachilik
c) kulolchilik va to'quvchilik
d) hunarmandchilik va savdo-sotiq

**71. O'zlashtiruvchi xo'jalik – bu ... ?**
a) termachilik va ovchilik
b) dehqonchilik va chorvachilik
c) kulolchilik va to'quvchilik
d) hunarmandchilik va savdo-sotiq

**72. Nechanchi yilda Teshiktosh g'ori topilgan?**
a) 1938-yil b) 1937-yil
c) 1936-yil d) 1935-yil

**73. Teshiktosh g'oridan ... ziyod tosh qurollar va ularning parchalari, hayvonlarning suyaklari topilgan?**
a) 4500 b) 3000
c) 2500 d) 2000

**74. Teshiktosh g'oridan necha yashar bolaning qabri topilgan?**
a) 9–8 b) 8–9
c) 7–8 d) 6–7

**75.Teshiktosh g'oridan qaysi odamning suyaklari topilgan?**
a) kromanyon b) neandertal
c) pitekantrop d) sinantrop

**76. Teshiktosh g'oridagi bola qabri qanday qilib ko'milgan?**
a) qoidali qilib b) qoidasiz
c) yondirib d) tiriklayin

**77. Bola atrofiga ... shoxlari qadab chiqilgan?**
a) kiyik b) echki
c) bug'i d) arxar

**78. Animizm – bu ...?**
a) jonlar va ruhlarga ishonish
b) narsa-buyumlarga ishonish
c) rasmlarga ishonish
d) xudoga ishonish

**79. Fetishizm – bu ... ?**
a) jonlar va ruhlarga ishonish
b) narsa-buyumlarga ishonish
c) joduga ishonish
d) xudoga ishonish

**80. Qoyatosh suratlari qaysi davrga oid?**
a) o'rta paleolit b) ilk paleolit
c) mezolit d) so'ngi paleolit

**81. Qoyatosh suratlarining eng qadimiylari qayerlardan topilgan?**
a) Ispaniyadagi Altamir
b) Fransiyadagi Lasko
c) Boshqaristondagi Kapova g'oridan
d) hammasi to'g'ri

**82. Diniy e'tiqodlar kurtaklari va marhumlar ko'milgan eng qadimgi qabrlar qaysi davrga oid?**
a) o'rta paleolit b) ilk paleolit
c) mezolit d) so'ngi paleolit

**83. Odamning o'zini qurshab turgan tevarak dunyoni tushunishga intilishi eng qadimgi ... rivojlanishi uchun asos bo'ldi?**
a) diniy e'tiqod
b) mehnat qurollari
c) tasviriy san'at
d) manzilgohlar

**84. So'ngi paleolitga oid xususiyatlarni sanab bering?**
1) toshga ishlov berish texnikasi (kesuvchi, arralovchi, parmalovchi) va mehnat qurollari yasash texnikasi o'zgardi; 2) kromanyon odami shakllangan; 3) ibtidoiy ziroatchilik va chorvachilik; 4) o'q-yoy; 5) hayvonlarni qo'lga o'rgatish; 6) urug' jamoalariga ajralib chiqish; 7) o'troq turmush tarzi; 8) paxsa imoratlar qurish; 9) kulolchilik va to'quvchilik; 10) taqinchoqlar yasash; 11) turar joylar qurilishi; 12) ishlab chiqaruvchi xo'jalik; 13) sopol buyumlarni yasash; 14) kiyim-kechak tayyorlashda hayvonlar terisini ishlatish; 15) su'niy olov; 16) mikrolitlar; 17) toshga ishlov berishning odamga tanish bo'lmagan usullari: silliqlash, arralash, sirlash, teshikchalar parmalash; 18) hunarmandchilikning rivoji; 19) muzlik davri tugadi
a) 1,2,6,10,11,14,15
b) 3,4,5,16,19
c) 7,8,9,12,13,16,17,18
d) 1,3,5,6,12,18,19

**85. Mezolitga oid xususiyatlarni sanab bering?**
1) toshga ishlov berish texnikasi (kesuvchi, arralovchi, parmalovchi) va mehnat qurollari yasash texnikasi o'zgardi; 2) kromanyon odami shakllangan; 3) ibtidoiy ziroatchilik va chorvachilik; 4) o'q-yoy; 5) hayvonlarni qo'lga o'rgatish; 6) urug' jamoalariga ajralib chiqish; 7) o'troq turmush tarzi; 8) paxsa imoratlar qurish; 9) kulolchilik va to'quvchilik; 10) taqinchoqlar yasash; 11) turar joylar qurilishi; 12) ishlab chiqaruvchi xo'jalik; 13) sopol buyumlarni yasash; 14) kiyim-kechak tayyorlashda hayvonlar terisini ishlatish; 15) sun'iy olov; 16) mikrolitlar; 17) toshga ishlov berishning odamga tanish bo'lmagan usullari: silliqlash, arralash, sirlash, teshikchalar parmalash; 18) hunarmandchilikning rivoji; 19) muzlik davri tugadi.
a) 1,2,6,10,11,14,15
b) 3,4,5,16,19
c) 7,8,9,12,13,16,17,18
d) 1,3,5,6,12,18,19

*(Davomi bor).*

**Tuzuvchi T. ESHONOV.**

AVVALGI SONDA BERILGAN TECT SAVOLLARINING JAVOBLARI:
**35 – a, 36 – a, 37 – b, 38 – d, 39 – b, 40 – b, 41 – b, 42 – c, 43 – a, 44 – b, 45 – a, 46 – b, 47 – a, 48 – a, 49 – a, 50 – b, 51 – c, 52 – d, 53 – b, 54 – a, 55 – b, 56 – c, 57 – d, 58 – a, 59 – b, 60 – c, 61 – d, 62 – b, 63 – b, 64 – a, 65 – c.**



### POYEZDNING BOLASI

Bahorgi ta'til payti
Shaharga kelgan Sayfi
Tramvayda yurganin
Maqtab der xolasiga:
–Mazza qilib mindim-da,
Poyezdning bolasiga.

### JIRAFA

Bu... unchalar bo'yni uzun
Jirafa deganlarin,
Qachon yetib borarkin
Qorniga... yeganlari?





### BOYQUSH

Qiziq, nega odamlar
Uni boyqush degan-a,
Bir ko'rsaydim uyasin,
Boyligi ne ekan-a?

**Dilshod RAJABOV.**

**Aziz bolajonlar! Shaklni quyidagi ranglarga bo'yab, ajoyib rasmga ega bo'ling: 1–jigarrang, 2–qizil, 3–yashil, 4–sariq.**



### Rasmlardagi o'nta farqni toping



### JUMBOQNI YECHING

Bugun Azizlarga matematika darsi bo'ladi. Matematika o'qituvchisi uyga ajoyib bir masalani yechishga bergan. Aziz masalani ancha qiyinchilik bilan bo'lsa ham yechib keldi. Uning qiynalganining sababi, berilgan masalada bir nechta chalg'itadigan joylari bor ekan. Qani, bolalar, sizlar ham masalani yechishga harakat qilib ko'ringlar-chi? To'g'ri topa olarmikansiz?! Savol quyidagicha:

**Agar birdan minggacha bo'lgan sonlar ketma-ket yozib chiqilsa, nol (0) raqami bu qatorda necha marta uchraydi?**

192 марта.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

**ҚЎЙ.**
Февралнинг дастлабки ҳафтаси нисбатан қизғин кечиши кутиляпти. Мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатларни бўшаштирмай олға интилишни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми омадли келиши мумкин. Амалга ошираётган ишларни ҳаммага ошкор этмасдан, аста-секин ҳаракат қилинса самарали бўлишини эслатиб ўтамиз.

**СИГИР.**
Режадаги ёки мўлжаллаган ишни бажариш учун билим, тажриба етарли бўлмаса, эринмасдан ўрганиш лозим. Қийинчиликдан чўчимай олға интилинг, самарасидан хурсанд бўламиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида олган билимни, тажрибани ишга солиб, роса тер тўкишга тўғри келади. Янги билим олишнинг аҳамияти келгусида яна намоён бўлади.

**ЭГИЗАКЛАР.**
Ҳафтанинг биринчи ярмида турли эҳтиросли ўйинларга аралашмасликни маслаҳат берамиз. Таваккал ишларга зарурат туғилса, яқинлар билан маслаҳатлашган маъқул. Мақсадга эришиш, режаларнинг ижобат бўлиши учун шошма-шошарлик ярамайди. Келгусидаги ривожланиш шу кундаги ҳаракатларга боғлиқ эканини унутмаслик лозим.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**
Ҳар бир ишни бошлашдан аввал умр йўлдошингизни ҳам хабардор қилиш фойдадан холи бўлмайди. Оилавий муносабатларни ҳам ҳисобга олган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярми нисбатан сермаҳсул бўлиши кутилмоқда. Янги режа ва ғоялар билан ташаббус кўрсатишга ҳаракат қилинг. Ҳуқуқий маданият ва маънавиятни ошириш келгуси ҳаётингизда жуда қўл келади.

**АРСЛОН.**
Арзимаган камчилик ёки оз миқдордаги камомад йиғилиб, пировардида қўлга киритилаётган ютуққа тўсиқ бўлиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз. Ҳар қандай камчилик, нуқсонни бартараф этишга ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмини келгуси режаларни тузиш, жиддий, долзарб муаммоларни ҳал этишга бағишлашни маслаҳат берамиз.

**БОШОҚ.**
Бу ҳафтада дам олиш, кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш ҳақидаги таклифларни рад этган маъқул. Моддий аҳволни ҳисобга олиб, оила даврасида ҳордиқ чиқарган яхши. Ҳафтанинг иккинчи ярмида учрашув, суҳбат, мулоқотларга бой бўлиши мумкин. Ёшлар учрашуви жиддий тус олиб, келгусида бир умрлик боғланишга айланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

**ТАРОЗИ.**
Юлдузлар мутаассиблик, ҳаётга бир ёқлама қараш кўп ташвиш келтиришидан огоҳлантиряпти. Қадриятингизга путур етказмайдиган хулоса чиқаришингизга тўғри келади. Бунда яқинларингиз, ота-онангиз маслаҳати қўл келиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмини уй-рўзғор юмушларига бағишлаб, таъмирлаш, мебеллар жойини алмаштириш билан шуғулланинг.

**ЧАЁН.**
Бу ҳафтада ёлғиз қолиб, ўйлаш, фикрлаш истаги кучайиши мумкин. Бу агар сизга яхши дам, ҳордиқ берадиган бўлса, бемаъни хаёлларга берилмаслик лозим. Ўзингиз ёқтирмаган киши билан суҳбатлашишга тўғри келса, яхшиси мулоқот қилмаган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярми ижодкорлар учун янги имкониятлар пайдо бўлишини ваъда қиляпти.

**ЁЙ.**
Тижорат ишларида дўстлар ҳурматини ҳам ҳисобга олган яхши. Яхши даромад олишни истасангиз, бу ишни дўстларсиз амалга оширган маъқул. Молиявий масалаларни дўстона суҳбатларга аралаштирмасликни маслаҳат берамиз. Молиявий режаларнинг ижобат бўлиши учун ҳафтанинг иккинчи ярми қулай келади. Бунда зиммангиздаги масъулият янада ошишини эслатиб ўтамиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**
Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида мақсадга эришишда айрим тўсиқларга дуч келиш мумкинлигидан огоҳлантиряпти. Шунинг учун янги имкониятлар излаб топишга тўғри келади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янгиликлар, хушхабарлардан воқиф бўлишингиз мумкин. Атрофдагилар билан муносабатни мустаҳкамлаш, янги танишлар орттириш учун ҳам қулай бўлади.

**ҚОВҒА.**
Ҳаётда етти ўлчаб, бир кес мақолига доим амал қилиш лозим бўлади. Ҳар кимнинг гапига ишониб, ўйламай хулоса чиқариш яхши оқибатларга олиб келмаслигини эсдан чиқарманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида моддий аҳволни яхшилаш учун имкониятлар туғилиши мумкин. Даромад ва харажатларнинг ҳисоб-китобини тўғри олиб боришга ҳаракат қилинг.

**БАЛИҚ.**
Айрим омадсизликлардан чўчиб, ҳаётингизни ўзгартиришга шошилмаслик лозим бўлади. Ҳар кимнинг маслаҳатига қулоқ тутмасдан, мустақил фикр юритишга ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги истиқболлар очилиши кутиляпти. Юлдузлар янги танишган кишингиз келгусида ишончли ҳамкор бўлиши ҳам мумкинлигидан дарак бермоқда.

ЭЪЛОН

## ОБУНА УЧУН МУКОФОТ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти нашрлари – «Postda», «На посту» газеталари ва «Qalqon», «Щит» журналларига 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун обунани юксак даражада ташкиллаштирган ҳамкорларимизни рағбатлантириш ниятида эканимизни хабар қилган эдик.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, бу йил обуначиларимиз сони анча ошди. Бу ижобий кўрсатгичга Вазирлигимиз раҳбариятининг таҳририятимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ҳамда аксарият ички ишлар идоралари раҳбарлари матбуотнинг ходимлар ҳаётидаги муҳим ўрнини тўғри тушуниб, обунани уюшқоқлик билан ташкиллаштирганликлари эвазига эришилди.

Шу боисдан, обунани юксак савияда ташкиллаштирганликлари учун **Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони, ИИВ Академияси, ИИВ Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси алоҳида милиция батальони, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси, Хоразм, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё, Навоий, Тошкент ва Бухоро вилояти ИИБларининг** обуна учун масъул ходимлари мукофотга лойиқ, деб топилдилар.

Рағбатлантириш ИИВ Бирлашган таҳририяти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва мукофотлар тегишли ички ишлар идораларига юборилади.

Обунани ташкиллаштиришда бизга яқиндан ёрдам берган барча ички ишлар идоралари раҳбарларига яна бир бор ўз миннатдорлигимизни билдирамиз ҳамда газета-журналларимизнинг Сизга манзур бўлишига ҳаракат қиламиз.

**ИИВ Бирлашган таҳририяти.**

ISSN 2010-5355
**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**
MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**
Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88;
**Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-8880. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 60044 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**